

натижаларига кўра, уруғларнинг сифат кўрсаткичлари жуда паст, яъни уруғларнинг фақатгина 19-21% ида нормал ривожланган уруғмуртаклар мавжудлиги аниқланди. Қолган 79-81% уруғларда уруғмуртаклар тўлиқ ривожланмаган бўлиб, пуч уруғлар эканлиги аниқланди. Табиий ўсиш ареалидан олиб келинган уруғларнинг ҳам, Қарнабчўлга иқлимлаштирилаётган популяция уруғларининг ҳам уруғларнинг бўлиқлиги жиҳатидан нисбатан бир хилда паст кўрсаткичларга эга эканлиги ушбу хусусиятнинг ўсимликка хос биологик хусусият эканлигидан далолат беради. Уруғларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги ҳам нисбатан паст кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Уруғ намуналарида бўлиқ уруғлар салмоғининг камлиги туфайли уларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги ҳам паст кўрсаткичларга эга, яъни бу кўрсаткич турли популяцияларда 14-16 % ни ташкил қилди.

**Хулосалар.** 1. Палецкий черкези уруғларининг экинбоплик сифатлари бошқа турдаги чўл озукабоп ўсимликлар уруғлари сифатига қараганда нисбатан паст ва бу ҳолатни уруғларнинг экиш меъёрларини белгилашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Уруғларнинг сифат кўрсаткичларининг пастлиги сабабларини ўрганиш мақсадида ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларини турли экологик шароитларда ўсиб турган популяцияларни жалб қилган ҳолда давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Кулешов Н.Н. Агрономическое семеноведение. М., Сельхозиздат, 1963. -312 с.
2. Мухаммедов Г.М. Улучшение пастбищ Центральных Каракумов. Ашхабад, 1979. Изд-во «Билим». – 214 с.
3. Леурда И. Г., Бельских Л.В. Определение качества семян. М., «Колос», 1974. -100 с.
4. Убайдуллаев Ш.Р. Саксаул черный как перераспределитель солнечной радиации в пастбищных фитоценозах // Вопросы селекции, семеноводства и укреплении кормовой базы каракулеводства. Ташкент, 1983. -С.99-104.
5. Шамсутдинов З.Ш. Создание долголетних пастбищ в аридной зоне Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1975. -174 с.

УЎК:581.16:582.736

### **ONOBRYCHIS CHOROSANICA BGE. ЎСИМЛИГИНИНГ УРУҒ МАХСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Д.Хўжакулов**-таянч докторант

**Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти**

**Аннотация.** Мақолада Хуросон эспарцети ўсимлигининг адирлар шароитида уруғ ҳосил қилиш хусусиятлари баён қилинган.

**Калим сўзлар:** дуккакдошлар, мезофит, гул гунча, гул, гултўплам, уруғ, дуккак, тукчалар, сарғиш-яшил.

**Annotation.** The article describes the characteristics of the *Onobrychis chorassanica* Bge plant in hill conditions.

**Key words:** *Fabaceae*, mesophyte, flower bud, flower, bouquet, seed, bean, hairs, yellow-green.

**Кириш.** Глобал иқлим ўзгариши, антропоген ва техноген омилларнинг таъсири натижасида Ўзбекистон чўл ва ярим чўл яйловларининг 5 млн. гектарида ўсимлик қоплами кучли инкирозга учраб, улардан деярли фойдаланишнинг имкони бўлмаётган қолмоқда. Қолган яна 10 млн. гектар яйловларда ҳам турли даражадаги инкироз кузатилиб, уларни сифат жиҳатидан яхшилаш зарурати туғилмоқда [5]. Яйловшунослик

фани ҳозирги кунда яйловларни фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини оширишнинг самарали усулларига эга [4;7;8]. Ёввойи флора эса озукабоб ўсимлик турларининг жуда катта потенциалига эга. Шулар орасида, озукабоб дуккакли ўсимликларнинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки, дуккакли ўсимликлар ўз таркибида энг кўп оқсил бирикмаларини ва алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни сақлайди [6].

Ўзбекистон табиий флорасида тарқалган қимматли озукабоб ўсимлик турларидан бири Хуросон эспарцетидир. Хуросон эспарцети дуккакдошлар- *Fabaceae* оиласига мансуб кўп йиллик, мезофит ўтчил ўсимлик. Ўсимликнинг табиий ареали адир минтақасини қамраб олади ва ўсиб турган шароитига қараб бўйи 60-100 см гача етиб, кўплаб иккиламчи шохланган новдаларни ҳосил қилади. Ўсимликнинг бутун танаси қалин тукчалар билан қопланган. Барглари 10-18 см узунликда, 5-8 жуфт барг пластинкаларини ҳосил қилади. Барг пластинкалари турли узунликда, узунасига 33-34 мм, энига 11-12 мм катталиқда, узунчоқ овал ёки эллипссимон шаклда. Гул тўплами сийрак, кўп гулли, узунлиги баъзан 35-45 см га етади. Гултожбарглари оч сариқ, гулоби ёки тўқ қизил рангли томирланган. Гул байроқчаси тескари тухумсимон, бўйига 16-20 мм, энига 9-11 мм катталиқда, учидан чуқурлашган. Дуккаги 12-14 мм узунликда ва энига 7-8 мм катталиқда, буйраксимон, четларида зич жойлашган ўткиртишчалар жойлашган. Уруғининг ўлчамлари 4,0 узунликка ва 2,0-2,4 мм энига катталиқда. 1000 дона уруғларининг массаси 27-28 г оғирликка эга. Хуросон эспарцетининг биологик хусусиятларини ва ҳўжалиқбоп белгиларини экин шароитида ўрганиш орқали уни жадал кўпайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш мумкин.

**Тадқиқот мақсади.** Тадқиқотлардан кўзланган мақсад- хуросон эспарцетининг экин шароитида уруғ ҳосил қилиш биологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Ўсимликларнинг уруғ ҳосил қилиш хусусиятларини тажриба даласидаги 2 ёшдаги 3 та модель тупларда ўрганилди. Апрель ойида ҳар бир ўсимликда 2-3 донадан генератив новдаларнинг ривожланганлиги кузатилди. Май ойининг бошида ўсимликларнинг ғунчалаш даври кузатилиб, ҳар бир ўсимликда ҳосил бўлган гул ғунчалари сони аниқланди. Ўсимликларнинг уруғ махсулдорлигини ўрганишда И.В.Вайнагий ва О.А. Ашурметов [1;3] услубларидан фойдаланилди. Ушбу услублардан фойдаланиб ўсимликларнинг потенциал ва реал уруғ махсулдорликлари ўрганилди.

**Тадқиқот натижалари.** Ўсимликларнинг ёппасига ғунчалаш даврида ҳар бир тупда 250-320 донадан гул ғунчаларининг мавжудлиги кузатилди (1-жадвал). Хуросон эспарцетининг уруғлаш даври Китоб тумани адирлари шароитида май ойининг ўрталарида бошланди. Ойнинг охирига келиб, уруғмуртакнинг жадал ўса бошлаши кузатилди. Уруғлаш даври барча ўсимликлар сингари Хуросон эспарцетида ҳам генератив ривожланишнинг давомийлиги билан ажралиб туради ва иқлим шароитининг ўзгарувчанлиги билан узвий боғлиқлиги кузатилмади. Ўсимлик меваларининг шаклланиши 25-32 кун давом этди. Меваларининг пишиб етишиш даври ҳам 30-35 кун давом этиши кузатилди.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, Хуросон эспарцетининг ҳар бир тупида ўртача 300 донадан гул ғунчалари ҳосил бўлган бўлса, шулардан ўртача 239,6 донадан бўлиқ уруғлар ҳосил бўлганлиги аниқланди. Демак, Хуросон эспарцети ўсимлигида ҳосил бўлган гул ғунчаларининг ўртача 79,9 фоизида бўлиқ уруғлар ривожланади, яъни бизнинг тажрибаларимиз натижаларига кўра, ўсимликнинг реал уруғ махсулдорлиги 80 % атрофида бўлиши аниқланди. Ёввойи ҳолда ўсувчи дуккакли ўсимликлар гуллаш биологияси, эмбриологияси ва уруғ махсулдорлик кўрсаткичларини ўрганган О.А.Ашурметов ва Х. К. Қаршибоевларнинг (2002) маълумотларига кўра, ўсимликларнинг ўсиб турган шароитларига қараб уларнинг реал уруғ махсулдорликлари ўсимлик турига қараб 52,7-68,4 фоизгача ўзгариб туриши кўрсатилган.

**Экин шароитида Хуросон эспарцетининг уруғ махсулдорлик (потенциал ва реал) кўрсаткичлари**  
(Китоб ўрмон хўжалиги, 2023 й.)

| <b>Ўсимлик туплари</b>             | <b>Ҳосил бўлган гул ғунчалари сони, дона</b> | <b>Ҳосил бўлган уруғлар сони, дона</b> |
|------------------------------------|----------------------------------------------|----------------------------------------|
| 1                                  | 250                                          | 192                                    |
| 2                                  | 298                                          | 231                                    |
| 3                                  | 352                                          | 296                                    |
| M ± m                              | 300,0±29,5                                   | 239,6±32,6                             |
| Потенциал уруғ махсулдорлиги (ПУМ) | 300,0±29,5                                   |                                        |
| Реал уруғ махсулдорлиги (РУМ)      | 239,6±32,6                                   |                                        |
| Уруғ ҳосил бўлиш коэффициенти, %   | 79,9                                         |                                        |

Биз томондан олинган маълумотлар ушбу кўрсаткичлардан бир оз юқори бўлганлигини ўсимликлар ёши ва ўсиб турган муайян тупроқ-иклим шароитлари билан изоҳлаш мумкин.

**Хулосалар.** Хуросон эспарцети адир яйловларида озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда истикболли, юқори тўйимли пичан ҳосилини берувчи қимматли яйловбоп ва пичанбоп ўсимлик ҳисобланади. Китоб адирлари иқлим шароитида ўсимликнинг реал уруғ махсулдорлиги нисбатан юқори (79,9%) бўлиб, ушбу минтақада ўсимликнинг уруғчилик майдонларини барпо қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ашурметов О.А. Методика изучения семенной продуктивности растений на примере видов рода *glycyrrhiza* L.// Увеличение кормопроизводства на научной основе. Ташкент, 1982. – 50-52.
2. Ашурметов О.А., Каршибаев Х.К. Семенное размножение бобовых растений в аридной зоне Узбекистана. Ташкент, «Фан», 2002. – 204 с.
3. Вайнагий И.В. О методике изучения семенной продуктивности растений // Ботанический журнал, 1974. Т. 59.№6.-С.826-831.
4. Раббимов А.Чўл яйловлари ҳосилдорлигини оширишнинг интродукция ва селекция асослари. Қ.х.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Тошкент, 2022. – 66 б.
5. Саидов Д.К., Хасанов Ш.Х. Современное состояние и оптимизация кормовых ресурсов аридной зоны Узбекистана // доклады АН РУз., 1993. №11. – С.43-46.
6. Хасанов Ў.Х., Таджиев С.Ф. *Onobrychis chorassanica* Bge –эспарцет хорассанский. Ареал и фитоценология. Сезонное развитие. Хозяйственная характеристика // Адаптация кормовых растений к условиям аридной зоны Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1983. – С.236-245.
7. Шамсутдинов З.Ш. Введения в культуру пустынных кормовых растений. Ташкент, «Фан», 1987. – 176 с.
8. Шамсутдинов З.Ш., Ибрагимов И.О. Создание долголетних пастбищ в аридной зоне Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1983. – 176 с.